

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН КЎЗ
МИКРОХИРУРГИЯСИ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ
МАРКАЗИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.01.2020.Tib.105.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ

МИРКОМИЛОВ ЭЛДОР МИРҚОДИР ЎҒЛИ

**НОСПЕЦИФИК АОРТОАРТЕРИИТНИНГ ОФТАЛЬМОЛОГИК
КЎРИНИШЛАРИНИНГ ДИАГНОСТИКАСИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

14.00.08 - Офталмология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ - 2025

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Миркомиллов Элдор Мирқодир ўғли

Носпецифич аортоартериитнинг офтальмологик кўринишларининг
диагностикасини такомиллаштириш 3

Миркомиллов Элдор Мирқодир угли

Улучшение диагностики офтальмологических проявлений неспе-
цифического аортоартериита 25

Mirkomilov Eldor Mirkodir ugli

Improving the diagnostics of ophthalmological manifestations of non-
specific aortoarteritis 47

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 51

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН КЎЗ
МИКРОХИРУРГИЯСИ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ
МАРКАЗИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.01.2020.Tib.105.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ

МИРКОМИЛОВ ЭЛДОР МИРҚОДИР ЎҒЛИ

**НОСПЕЦИФИК АОРТОАРТЕРИИТНИНГ ОФТАЛЬМОЛОГИК
КЎРИНИШЛАРИНИНГ ДИАГНОСТИКАСИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

14.00.08 - Офталмология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ - 2025

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида №B2021.2.PhD/Tib1894 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент тиббиёт академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.eye-center.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Нарзикулова Қумрижон Исламовна
тиббиёт фанлари доктори, доцент

Расмий оппонентлар:

Киселева Татьяна Николаевна
тиббиёт фанлари доктори, профессор
(Россия Федерацияси)

Зоҳидов Улғбек Боситович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Озарбайжон тиббиёт университети
(Озарбайжон Республикаси)

Диссертация ҳимояси Республика ихтисослаштирилган кўз микрохирургия илмий-амалий тиббиёт маркази ҳузуридаги DSc.04/30.01.2020.Tib.105.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2025 йил «___» _____ куни соат ___ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100173, Тошкент ш., Учтепа тумани, Кичик халқа йўли кўчаси, 14-уй. Тел/факс:(+99871) 217-49-34, 217-49-37, e-mail: eye-center@inbox.ru).

Диссертация билан Республика ихтисослаштирилган кўз микрохирургия илмий-амалий тиббиёт маркази Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, Кичик халқа йўли кўчаси, 14-уй. Тел/факс:(+99871) 217-49-34, 217-49-37

Диссертация автореферати 2025 йил «___» _____ куни тарқатилди.

(2025 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

А.Ф. Юсупов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Ш.А. Джамалова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий
котиби, тиббиёт фанлари доктори, доцент

М.Х. Каримова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси ўринбосари,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори диссертацияси аннотацияси (PhD))

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) маълумотларига кўра, Такаясу касаллиги ёки носпецифик аортоартериит ҳар йили 100 минг аҳолига 26 ҳолат учрайди. Асосан аёллар касалланади (аёллар ва эркеклар ўртасида касалликка чалиниш нисбати 8:1), касаллик 15-30 ёшда намоён бўлади, аммо у кейинги ёшларда ҳам пайдо бўлиши мумкин. Қатор олимлар томонидан олинган натижаларга кўра, «...дастлаб Такаясу касаллиги офтальмологда даволанган беморларда аниқланган. Носпецифик аортоартериит билан касалланганларда кўриш ўткирлиги аста-секин пасайиши билан бирга, бошни буриш ва танани вертикал ҳолатга келтириш вақтида кўришнинг кескин ёмонлашиши кузатилган. Носпецифик аортоартериит да шишасимон тана, шох парда ва гавхар хиралашишларида конъюнктива, рангдор парда ва гавхарда қон томирларининг ҳосил бўлиши билан бирга кечади...»¹. Носпецифик аортоартериитнинг кўз билан боғлиқ клиник белгилари кўп ҳолларда кечикиб намоён бўлади ёки умумий шикастланиш манзарасида ташҳисланмаслиги мумкин. Айниқса, кўз тубида аниқ офтальмоскопик ўзгаришлар ҳали рўй бермаган даврларда кўрув йўллари ва тўр парда микроциркуляциядаги патологик ўзгаришларни эрта аниқлаш мураккаб вазифа бўлиб қолмоқда. Шу нуқтаи назардан, анъанавий офтальмологик усуллар билан бир қаторда тўқима перфузияси, нейротрофик омиллар даражаси ва микроциркуляция кўрсаткичларини баҳолаш имконини берадиган юқори сезгир замонавий диагностик воситаларни қўллаш долзарб вазифа бўлиб ҳисобланади.

Жаҳонда носпецифик аортоартериит каби системали васкулитларда кўриш аъзоси шикастланишини эрта аниқлаш ва самарали даволаш усулларини такомиллаштиришга қаратилган илмий тадқиқотларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада Такаясу артериитига хос бўлган офтальмологик намоён бўлишларнинг эрта диагностикасида кўрув нерви ишемияси ва унинг клиник-функционал хусусиятларини баҳолаш; яллиғланиш жараёни фаоллигини кўрсатувчи лаборатория ва биокимёвий маркерларни, жумладан, металлопротеиназа-9 ва интерлейкин-6 миқдорини аниқлаш; шунингдек, инвазив бўлмаган визуализация усуллари ёрдамида кўз тузилмаларидаги, бош ва орқа миёдаги нейродегенератив ўзгаришларни баҳолаш тартибини ишлаб чиқишдан иборат. Носпецифик аортоартериитда кўрув анализаторининг яллиғланиш ва демиелинизация жараёнларини объектив баҳолаш усулларини такомиллаштириш зарур, бу эса касаллик патогенезининг янги жиҳатларини очишга, таққослама ташҳиснинг аниқлигини оширишга ҳамда патогенетик йўналтирилган даволаш стратегияларини ишлаб чиқишга ёрдам беради.

Мамлакатимизда тиббиёт соҳасини ривожлантириш, аҳоли ўртасида офтальмологик касалликларни эрта аниқлаш ва даволашга қаратилган кенг камровли дастурий чора-тадбирлар амалга ошириш «...аҳолига

¹ Szydełko-Paśko U, Przeździecka-Dołyk J, Nowak Ł, Małyszczak A, Misiuk-Hojło M. Ocular Manifestations of Takayasu's Arteritis-A Case-Based Systematic Review and Meta-Analysis. J Clin Med. 2023 May 29;12(11):3745

кўрсатиладиган тиббий хизматларнинг сифатини яхшилаш, касалликларнинг профилактикаси, эрта аниқлаш ва самарали даволаш ишларини кенгайтириш, хуудларда беморлар учун қулай шароитлар яратиш, жумладан, тиббий стандартлаштириш тизимини шакллантириш, юқори технологияли диагностика ва даволаш усулларини жорий этиш...»² каби вазифалари белгиланган. Қўйилган вазифаларнинг амалга оширилиши кўз органларидаги ўзгаришларни эрта аниқлаш, асоратларнинг олдини олиш ва замонавий лаборатория-асбобусулли усуллардан фойдаланган ҳолда уларни адекват даволаш имконини беради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018-йил 7-декабрдаги ПФ-5590-сон «Ўзбекистон Республикасида соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида», 2022-йил 28-январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси тўғрисида», 2023-йил 6-сентябрдаги ПФ-156-сон «Соғлиқни сақлаш вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонлари, 2020-йил 12-ноябрдаги ПҚ-4891-сонли «Тиббий профилактика ишлари самарадорлигини янада ошириш орқали жамоат саломатлигини таъминлашга қаратилган кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида», 2021-йил 25-майдаги ПҚ-5124-сонли «Соғлиқни сақлаш соҳасини комплекс ривожлантириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорлари ва ушбу йўналишда қабул қилинган бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожлантиришнинг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Жаҳон илмий адабиётларнинг кўплаб тадқиқотлари натижасида, носпецифик аортоартериит (НАА) бу асосан аорта ҳамда унинг йирик проксимал шохларини, шунингдек, баъзи ҳолларда ўпка артериялари ва ҳатто кичик диаметрили қон томирларини зарарлайдиган сурункали яллиғланиш касаллиги эканлиги таъкидланган (Subramanyan R., 1998; Savage C.O. et al., 1997; Казтуганов Ж.К., 2014). Гарчи НАА системали васкулит сифатида таснифланса-да, унинг офтальмологик кўринишлари илк бор япон офтальмологи Микито Такаясу томонидан 1908 йилда тасвирланган бўлиб, у кўриш нерви дискси атрофидаги веноз димланишни офтальмоскопик кузатувда баён этган (Hayreh S.S., Zimmerman B., 2003). Кейинчалик мазкур ҳолат Япония офтальмология жамияти аъзолари Onisi K. и Kagosima T. томонидан янада кенгроқ ўрганилган (Yadav M.K., 2006). Қатор муаллифлар таъкидлашича, НААнинг сурункали кечиши ва кўп ҳолларда аниқ симптоматиканинг кеч намоён бўлиши сабабли уни эрта ташхислаш мураккаб бўлиб, кўп беморларда илк аломатлар пайдо бўлганидан

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори, 26.01.2022 йилдаги ПҚ-103-сон

сўнг тўғри диагноз қўйилишигача ўртача 12 ой ёки ундан ортиқ вақт ўтиши мумкин (S.S. Hayreh, B. Zimmerman, 2003).

Илмий адабиётларда касалликнинг этиологияси ҳозирги вақтгача аниқланмаган. Бироқ, бу касалликнинг кучайиши даврида қонда айланувчи иммунокомплекслар ва аорта деворида антиаортал антитаначалар топилиши билан тасдиқланади. Тақиясу касаллиги атеросклерознинг яллиғланиш назариясини тасдиқловчи моделлардан бири сифатида қаралиши мумкин. Атеросклероз НААнинг муқаррар асорати эканлиги исботланган. Ривожланиш хавф омилларига эга бўлмаган ёш аёлларда Тақиясу артериити натижасида артерияларнинг кенг тарқалган атеросклеротик шикастланиши мавжуд (Ishikawa K., Maetani S., 1994; Numano F., 2000). Баъзи маълумотларга кўра, барча васкулитларнинг ўзига хос хусусияти томир деворларининг яллиғланишидир (Jennette J., 2013). Аммо айрим тадқиқотларда НААнинг яллиғланишли васкулитга хос иммунологик механизмлар билан ўзаро боғлиқ эканлиги таъкидланган (Matsumura T. et al., 1998; Maksimov M.L., 2015). Шунингдек, ёш ва атеросклероз хавфи йўқ аёлларда ҳам тарқоқ артерия шикастланиши ҳолатлари қайд этилган (Ishikawa K., Maetani S., 1994; Kobayashi Y. et al., 2005). Айни пайтда адабиётда ушбу муаммо ечими бўйича нашрлар бир-бирига зид.

Ўзбекистонда НАА ни диагностика қилиш ва даволашга бағишланган бўйича қатор, жумладан қуйидаги илмий тадқиқотлар амалга оширилган: Ўзбекистон Ревматологлар ассоциацияси маълумотларига кўра, 2017 йилда республикада НАА билан касалланиш ўртача ҳар 1 миллион аҳолига 5,7 ҳолатни ташкил этган. Шунингдек, республикада НААнинг эркаклар ва аёллар ўртасида учраш тезлигида маълум фарқлар мавжуд бўлиб, уларнинг ўзаро нисбати 1:8,5 дан 1:15 гача ўзгариб туради (Ўзбекистон Ревматологлар ассоциацияси, 2017 йил). Кўз ишемик синдромида умумий ва минтақавий гемодинамиканинг ҳолати ўрганилган (Камилов Х.М., Қосимова М.С., Маҳкамова Д.К., 2015; Бахритдинова Ф.А., Ахматова О.М., Алижанов О.М., 2019). Шунингдек, Тақиясу касаллигида кўриш функциясини сақлаб қолишда коллатерал қон айланишининг роли ўрганилган (Бахритдинова Ф.А., Нарзиқулова К.И., 2021), бироқ, носпецифик аортоартериитда кўриш аъзоси ўзгаришларининг клиник-ташҳисоти ва даволашни илмий асослашга қаратилган илмий ишлар бажарилмаган.

Юқоридагиларни эътиборга олиб, носпецифик аортоартериитда ривожланаётган кўз аъзоси шикастланишини эрта аниқлашга доир янги клиник-функционал ёндашувларни асослаб бериш, ушбу касалликнинг этиопатогенетик механизмлари ва офтальмологик намоён бўлишларини чуқур ўрганиш, кўздаги демиелинизация ва ишемик ўзгаришларни аниқлашда замонавий визуализация ва биомаркерларга асосланган усулларни амалиётга тадбиқ этиш, шунингдек, НАА сабабли ривожланган кўз шикастланишларини бартараф этишга қаратилган янги даволаш тактикаларини ишлаб чиқиш ишлаб чиқиш масаласи офтальмологияда долзарб ва амалий жиҳатдан муҳим ҳисобланади.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация Тошкент тиббиёт академияси офтальмология кафедраси илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ, «Кўз касалликларининг айрим турларини диагностика қилиш ва даволаш усулларини такомиллаштириш, офтальмологик амалиётга янги дори воситаларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш» мавзусида (2019-2024 йй.) амалга оширилган.

Тадқиқотнинг мақсади: носпецифик аортоартериитнинг офтальмологик кўринишларини диагностика қилиш усулларини такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

носпецифик аортоартериит билан касалланган беморларда кўрув аъзосининг клинико-функционал ҳолатини ўрганиш;

брахиоцефал артерияларда қон айланишининг бузилишига кўзнинг қон айланишига таъсирини кўз томирларини дуплекс сканерлаш маълумотлари асосида баҳолаш;

носпецифик аортоартериитнинг минимал ва яққол офтальмологик намоён бўлишлари бўлган беморларда бош мия нейротрофик омили кўрсаткичларининг кўз ёши ва қон зардобидаги информативлигини ўрганиш;

носпецифик аортоартериитнинг офтальмологик намоён бўлишлари бўлган беморларни диагностика қилиш ва бошқариш тактикасининг алгоритминини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Тошкент тиббиёт академияси ва Республика ихтисослаштирилган жарроҳлик ангионеврология марказининг кўз бўлимига мурожаат қилган, клинико-функционал кўрсаткичларида минимал ва яққол ўзгаришлар мавжуд бўлган 80 нафар НАА билан касалланган бемор ўрганилди.

Тадқиқотнинг предмети сифатида НАА билан касалланган беморларда кўрув аъзосининг клинико-функционал намоён бўлишлари хусусиятлари. Кўз ва брахиоцефал артериялар қон томирларини клиник ва инструментал, шунингдек, НАА билан касалланган беморларда кўз ёши суюқлиги ва қон зардобини лаборатория тадқиқот натижалари олинган.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот мақсадига эришиш ва қўйилган вазифаларни бажариш учун қуйидаги усуллар қўлланилди: умумий офтальмологик диагностика, махсус офтальмологик усуллар (ОКТ ва ОКТ-ангиография, компьютер периметрияси), брахиоцефал артериялари ва кўз томирларини дуплекс сканерлаш, кўз ёши суюқлиги ва қон зардобини биокимёвий таҳлил қилиш, шунингдек, олинган маълумотларни статистик қайта ишлаш.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

умумий ва махсус офтальмологик текширувлар асосида носпецифик аортоартериитни брахиоцефал артерияларнинг барча қатламларига кетма-кет таъсир қилувчи ва ушбу касалликни дастлабки босқичларида ишемияга ва қон томирлар гипоксиясига олиб келувчи сурункали яллиғланиш жараёни тўр парданинг морфо-функционал бузилишлари билан бирга кечиши исботланган;

компьютер периметрияда тўр парданинг ёруғликка сезгирлигининг пасайиши ва " deflection " кўрсаткичини ошиши носпецифик аортоартериити бўлган беморларда кўрув анализаторининг ишемик шикастланиш даражасини ишончли равишда акс эттирувчи ва брахиоцефал артерияларда яллиғланиш жараёнининг ривожланишини намоён қилувчи ишончли функционал маркерлари эканлиги исботланган;

носпецифик аортоартериитда кўздаги қон оқимининг етишмовчилиги қон томирларнинг маҳаллий ауторегуляцияси ва коллатерал қон айланиши орқали қопланиши орқа калта киприксимон ва брахиоцефал артерияларда қон оқими тезлиги параметрларининг тескари корреляциясига олиб келиши исботланган;

илк бор носпецифик аортоартериитнинг офтальмологик кўринишлари ва яллиғланиш жараёнининг фаоллик даражасининг белгилари сифатида кўз ёш суюқлиги ва қон зардобида бош мия нейротрофик омили концентрациясининг диагностик ва прогностик аҳамияти аниқланди.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

кўрув нерви диски ва тўр парданинг нерв толалари қатламини оптик когерент томография ҳамда компьютер периметрияси ёрдамида тўр парданинг ёруғликка сезувчанлиги ва "Deflection" кўрсаткичини баҳолаш ишемик шикастланиш чуқурлигини аниқлаш усуллари сифатида тадбиқ қилинган;

носпецифик аортоартериитда ОКТ-ангиография қўлланилиши орқали чап кўзда перфузия зичлиги кўрсаткичининг сезиларли пасайиши ва патологик жараённинг яққол латерализацияланиши амалиётга тадбиқ қилинган;

носпецифик аортоартериит билан касалланган беморларда кўз ёши суюқлиги ва қон зардобида бош мия нейротрофик омили даражасини аниқлашнинг патогенетик асосланганлиги амалиётга тадбиқ қилинган;

носпецифик аортоартериитнинг офтальмологик намоён бўлишларини диагностика қилиш ва беморларни бошқариш тактикасининг алгоритми ишлаб чиқилган ҳамда амалиётга тадбиқ этилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги. Тадқиқот жараёнида назарий ёндашувлар ва усулларнинг қўлланилиши, беморлар сонининг етарлилиги, шунингдек, тадқиқотда замонавий рақамли, функционал-клиник, кўшимча инструментал ва статистик усуллардан фойдаланиш билан асосланган. Қолаверса, хулоса ва олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти офтальмологияда кўрув нерви диски ва тўр парда нерв толалари қатламининг оптик когерент томографияси натижалари, оптик когерент томография - ангиография, компьютер периметрияси, шунингдек, кўз ёши суюқлиги ва қон зардобида бош мия нейторофик омили даражасини аниқлаш асосида носпецифик аортоартериитни эрта аниқлаш мезонларининг ишлаб чиқилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти замонавий диагностика усулларига асосланганлиги, оптик когерент томография, ОКТ-ангиография, компьютер периметрияси, қон томирдаги ўзгаришлар, шунингдек ишемия даражасини эрта аниқлаш, ўтказилаётган даволаш чора - тадбирларини мониторинг қилиш ва нейротрофик мия омилининг кўз ёши суюқлиги, қон зардобдаги даражасини баҳолаш асосида кўз тўқималаридаги морфо-функционал ўзгаришларни комплекс таҳлил қилиш, олинган натижаларга таяниб касаллик ривожланишининг офтальмологик мезонларини аниқлаш, ҳамда диагностика алгоритмлари ишлаб чиқилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларини жорий қилиниши. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги илмий техник кенгаши 15.01.2025-йил №11/96 – сонли хулосасига мувофиқ:

биринчи илмий янгилик: умумий ва махсус офтальмологик текширувлар асосида носпецефик аортоартериитни брахиоцефал артерияларнинг барча қатламларига кетма-кет таъсир қилувчи ва ушбу касалликни дастлабки босқичларида ишемияга ва қон томирлар гипоксиясига олиб келувчи сурункали яллиғланиш жараёни тўр парданинг морфо-функционал бузилишлари билан бирга кечиши исботланган. Илмий янгиликнинг аҳамияти: НАА билан беморларда ОКТ-ангиография ўтказиш орқали чап кўзда перфузия зичлиги кўрсаткичларининг сезиларли даражада пасайиши қайд этилди, бу эса патологик жараённинг латерализациясини кўрсатади ва хасталик патогенезини янада чуқурроқ англашга имкон беради. Ушбу маълумотлар “Носпецефик аортоартериитни эрта лаборатор ташхислаш” деб номланган методик тавсиялар (Ўзбекистон Республикаси ССВ илмий техник Кенгашида тасдиқланган №11/96 15 январь 2025 йил) таркибига киритилган. Илмий янгиликни амалиётга жорий этиш: ОКТ-ангиография усули Самарқанд давлат тиббиёт университети кўп тармоқли клиникаси (09.09.2024 йилдаги №156 буйруқ) ва Республика илмий шошилинич тиббий ёрдам марказининг Тошкент вилояти филиали (04.09.2024 йилдаги №120 буйруқ) амалиётларида татбиқ этилган бўлиб, Ўзбекистон Республикаси тиббий амалиётида қўлланилмоқда. Ижтимоий самарадорлиги: ушбу усул ёрдамида НААнинг кўриш аъзосини зарарловчи асоратларини эрта босқичда аниқлаш ва тегишли даволаш чораларини ўз вақтида кўриш имкони яратилади, бу эса кўриш қобилятини сақлашга хизмат қилади. Иқтисодий самарадорлиги: ОКТ-ангиография ёрдамида касалликни эрта диагностика қилиш орқали қўшимча асоратларнинг олдини олиш мумкин. Бу беморларнинг қайта-қайта қиммат текширувлардан ўтиши ва кеч қўйилган ташхис оқибатидаги қўшимча харажатларни камайтиради. Бир марталик ОКТ-ангиография текшируви тахминан 200000 сўмни ташкил этади ва узоқ муддатли харажатларни сезиларли даражада камайтиради. Хулоса: НААда ОКТ-ангиографияни амалиётга жорий этиш тўқималарда ишемия ва қон томир ўзгаришларини аниқлашда самарали усул ҳисобланади. Бу диагностиканинг аниқлигини ошириш, даволашни ўз вақтида бошлаш ва асоратларни бартараф этиш имконини беради.

иккинчи илмий янгилик: компьютер периметрияда тўр парданинг

ёруғликка сезгирлигининг пасайиши ва " deflection " кўрсаткичини ошиши носпецифик аортоартериити бўлган беморларда кўрув анализаторининг ишемик шикастланиш даражасини ишончли равишда акс эттирувчи ва брахиоцефал артерияларда яллиғланиш жараёнининг ривожланишини намоён қилувчи ишончли функционал маркерлари эканлиги исботланган. Илмий янгиликнинг аҳамияти: компьютер периметрияси орқали тўр парданинг ёруғликка сезувчанлиги ва "Deflection" кўрсаткичларини баҳолаш НААнинг илк босқичларида уни аниқлаш имконини беради ва касалликни эрта ташхислашнинг самарали ва аниқ усули сифатида муҳим назарий аҳамият касб этади. Ушбу маълумотлар “Носпецифик аортоартериитни эрта лаборатор ташхислаш” деб номланган методик тавсиялар (Ўзбекистон Республикаси ССВ илмий техник Кенгашида тасдиқланган №11/96 15 январь 2025 йил) таркибига киритилган. Илмий янгиликни амалиётга жорий этиш: тадқиқот натижалари Самарқанд давлат тиббиёт университети кўп тармоқли клиникаси (09.09.2024 йилдаги №156 буйруқ) ва Республика илмий шошилиш тиббий ёрдам марказининг Тошкент вилояти филиалида (04.09.2024 йилдаги №120 буйруқ) амалиётга татбиқ этилди. Ижтимоий самарадорлиги: ушбу диагностика усули ёрдамида НААда офтальмологик ва неврологик асоратларни эрта аниқлаш мумкин ва бу аҳолининг кўриш қобилятини сақлаб қолиш, ҳаёт сифатини яхшилаш ва касалликнинг оғирлашишига йўл қўймасликда катта ижтимоий аҳамият касб этади. Иқтисодий самарадорлиги: компьютер периметрияси орқали НААни эрта босқичда аниқлаш натижасида асоратларни олдини олиш, беморларнинг соғлиғини сақлаш ва даволаш харажатларини камайтириш имкони яратилади, бир марталик компьютер периметрияси текшируви 100000 сўмни ташкил этади ва клиник амалиётда буни доимий қўллаш орқали умумий харажатлар сезиларли даражада қисқаради. *Хулоса:* компьютер периметриясини НААнинг офтальмологик кўринишларини аниқлашда клиник амалиётга жорий этиш касалликни эрта ташхислаш имконини беради, асоратлар ривожланишининг олдини олади ва даволаш самарадорлигини оширади.

учинчи илмий янгилик: носпецифик аортоартериитда кўздаги қон оқимининг етишмовчилиги қон томирларнинг маҳаллий ауторегуляцияси ва коллатерал қон айланиши орқали қопланиши орқа калта киприксимон ва брахиоцефал артерияларда қон оқими тезлиги параметрларининг тесқари корреляциясига олиб келиши исботланган. Илмий янгиликнинг аҳамияти: брахиоцефал артериялар ва кўз олмаси томирларини дуплекс сканерлаш орқали НААни эрта босқичда аниқлаш, қон айланишидаги патогенетик ўзгаришларни баҳолаш ва функционал алоқаларни очиш имкони яратилади ва бу усул диагностикада юксак сезгирликка эга бўлиб, назарий ва клиник жиҳатдан муҳим аҳамиятга эга. Ушбу маълумотлар “Носпецифик аортоартериитни эрта лаборатор ташхислаш” деб номланган методик тавсиялар (Ўзбекистон Республикаси ССВ илмий техник Кенгашида тасдиқланган №11/96 15 январь 2025 йил) таркибига киритилган. Илмий янгиликни амалиётга жорий этиш: тадқиқот натижалари Самарқанд давлат тиббиёт университети кўп тармоқли клиникаси (09.09.2024 йилдаги №156

буйрук) ва Республика илмий шошилич тиббий ёрдам марказининг Тошкент вилояти филиалида (04.09.2024 йилдаги №120 буйрук) амалиётга татбиқ этилди. Ижтимоий самарадорлиги: дуплекс сканерлаш усули ёрдамида НААда офтальмологик ва неврологик асоратларни эрта аниқлаш мумкин ва бу беморларнинг кўриш қобилиятини сақлаб қолиш, ҳаёт сифатини яхшилаш ва нотўғри ташхислар оқибатида ривожланадиган оғир асоратларнинг олдини олишга хизмат қилади. Иқтисодий самарадорлиги: НААнинг эрта диагностикаси учун дуплекс сканерлашни доимий қўллаш орқали беморларнинг ортиқча текширувлар ва даволаш харажатларини камайтириш мумкин, текширув нархи тахминан 200000 сўмни ташкил этади ва самарали ташхис орқали маблағларни тежаш имконини беради. Хулоса: Орқа калта киприксимон артерия ва брахиоцефал артериялардаги қон оқими ўртасидаги функционал боғлиқликни баҳолашга қаратилган дуплекс сканерлаш усули НААни эрта ташхислаш, ишемик ўзгаришларни аниқлаш ва патогенетик даволашни ўз вақтида бошлаш имконини беради.

тўртинчи илмий янгилик: илк бор носпецифик аортоартериитнинг офтальмологик кўринишлари ва яллиғланиш жараёнининг фаоллик даражасининг белгилари сифатида кўз ёш суюқлиги ва қон зардобидида бош мия нейротрофик омили концентрациясининг диагностик ва прогностик аҳамияти аниқланди. Илмий янгиликнинг аҳамияти: кўз ёши суюқлиги ва қон зардобидида БМНО даражасини аниқлаш НААнинг эрта босқичдаги диагностикасида кўшимча самарали биомаркер сифатида қўлланилиши мумкин. Бу усул касалликнинг динамикаси ва кўз тўқималаридаги шикастланишни баҳолашда илмий ва амалий жиҳатдан муҳимдир. Ушбу маълумотлар “Носпецифик аортоартериитни эрта лаборатор ташхислаш” деб номланган методик тавсиялар (Ўзбекистон Республикаси ССВ илмий техник Кенгашида тасдиқланган №11/96 15 январь 2025 йил) таркибига киритилган. Илмий янгиликни амалиётга жорий этиш: тадқиқот натижалари Самарқанд давлат тиббиёт университети кўп тармоқли клиникаси (09.09.2024 йилдаги №156 буйрук) ва Республика илмий шошилич тиббий ёрдам марказининг Тошкент вилояти филиалида (04.09.2024 йилдаги №120 буйрук) амалиётга татбиқ этилди. Ижтимоий самарадорлиги: носпецифик аортоартериит (НАА) билан касалланган беморларда кўз ёши суюқлиги ва қон зардобидида бош мия нейротрофик омилини (НФГМ) аниқлаш касалликни эрта босқичларда аниқлаш ва унинг офтальмологик кўринишларининг ривожланишини олдини олишга ёрдам беради. Иқтисодий самарадорлиги: БМНОни 100000 сўмлик лаборатор таҳлил орқали аниқлаш касалликни симптомлар ривожланмасидан олдин аниқлаш имконини беради, агар ташхис кеч қўйилса, қоннинг умумий таҳлили (80000 сўм), ревматологик текширув (90000 сўм), каротид артерияларнинг дуплекс сканерлаш (150000 сўм) ва МСКТ (500000 сўм) каби бир неча қиммат текширувларни талаб қилади, шу билан бирга, стационар даволаниш зарурати пайдо бўлади ва таклиф этилаётган усулдан фойдаланиш ушбу харажатларни 8 баробаргача қисқартириш имконини яратади. Хулоса: бош мия нейротрофик омилининг кўз ёши суюқлиги ва қон зардобидида аниқланиши НААни эрта ташхис қилиш, касалликнинг кечишини мониторинг

қилиш ва тўғри даволаш тактикасини белгилашда муҳим аҳамият касб этади ва мазкур усул орқали асоратларнинг олдини олиш, беморларнинг ҳаёт сифатини яхшилаш ва даволаш харажатларини оптималлаштириш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Ушбу тадқиқот натижалари 5 та илмий-амалий конференцияда муҳокама қилинган — шулардан 2 таси халқаро ва 3 таси Республика илмий-амалий конференцияларида тақдим этилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 20 та илмий иш чоп этилган, шулардан 7 та мақола олий аттестация комиссияси томонидан диссертацияларнинг асосий илмий натижаларини нашр этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, тўрт боб, хулоса, натижалар ва адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертация ҳажми 120 саҳифадан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотнинг долзарблиги ва талабгорлиги асосланади, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети белгиланади, ишнинг Ўзбекистон Республикасида фан ва технологияларни ривожлантиришнинг муҳим йўналишларига мувофиқлиги кўрсатилади, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинади, натижаларнинг ишончлилиги асосланади, уларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилади, тадқиқот натижаларининг амалий фаолиятга жорий қилиниши, чоп этилган ишлар ва диссертациянинг тузилиши ҳақида маълумотлар келтирилади.

Диссертациянинг биринчи боби «**Такаясу касаллиги: этиологияси, патогенези, клиникаси ва замонавий диагностика усуллари (Адабиётлар шарҳи)**», бешта бўлимдан иборат бўлиб, носпецифик аортоартериитни ташхислашнинг замонавий концепцияси ҳақидаги долзарб маълумотларни ўз ичига олади, уларнинг этиологиясини аниқлашга, замонавий ташхис ва даволаш усулларига қаратилган тадқиқотларга бағишланган адабий манбалар таҳлили келтирилган. Ушбу йўналишдаги асосий, ҳалигача тўлиқ ҳал этилмаган масалалар ажратилган. Боб охирида таҳлил қилинган материал бўйича хулоса чиқарилади ва умумий натижа берилади. Адабиётларга шарҳ асосан сўнгги 10 йил ичида олиб борилган илмий тадқиқотлар натижаларига асосланган.

Диссертациянинг иккинчи боби «**Тадқиқот материаллари ва усуллари**»да клиник материалнинг умумий хусусиятлари ва қўлланилган тадқиқот усуллари тасвирланган. 2020-2023 йилларда Тошкент тиббиёт академиясининг кўп тармоқли клиникаси ва Республика ихтисослаштирилган жарроҳлик ангионеврология марказида 80 нафар (160 кўз) Такаясу касаллиги (ТК) билан касалланган беморлар комплекс текширувдан ўтказилиб, улар стационар даволашда бўлишди. Тадқиқот даврида ушбу касаллик билан стационар даволаш учун жами 137 нафар бемор шифохонага ётқизилган.

Бироқ, тадқиқот мақсадларига мос келмагани сабабли, торакал ва абдоминал аортанинг шикастланиши билан боғлиқ бўлган 57 нафар бемор тадқиқотдан чиқарилди. Тадқиқотда иштирок этган беморлар орасида 71 нафар аёл (88,7%) ва 9 нафар эркак (11,3%) бор эди. Анамнез тўплаш жараёнида тадқиқотга жалб қилинган барча беморлар Осиё миллатидан эканлиги аниқланди. Беморларнинг ўртача ёши $30,0 \pm 5,0$ ёшни ташкил этди.

Илмий тадқиқот 3 та гуруҳга бўлинган ҳолда ўтказилди:

1. Асосий гуруҳ - 1990 йилги Америка ревматологлар ассоциацияси классификацияси бўйича носпецифик аортоартериит (Такаясу касаллиги) ташхиси тасдиқланган 80 бемор.

2. Таққослама гуруҳи - дуплекс текширув ёрдамида «Samsung Medison X6» (Корея) аппаратида сон артерияларининг атеросклерози ташхиси тасдиқланган 60 бемор. Тадқиқотга гемодинамик жиҳатдан аҳамиятли, 50 фоиздан 80 фоизгача бўлган стенозловчи атеросклерози мавжуд беморлар киритилган.

3. Назорат гуруҳи - 30 нафар амалий соғлом шахс.

Жинси, ёши ва кўриш аъзоси патологик жараёнининг оғирлиги бўйича гуруҳлар репрезентатив ҳисобланди.

Тадқиқотнинг барча иштирокчиларига умумий офтальмологик текширувлар (визиометрия, периметрия, биомикроскопия, офтальмоскопия ва тонометрия) ўтказилди, шунингдек, махсус офтальмологик текширувлар, жумладан оптик когерент томография ангиографияси (ОКТ-А) амалга оширилди. Қон томирларидаги қон оқими кўрсаткичларини таҳлил қилиш мақсадида сон ва кўз артерияларининг ультратовушли дуплекс текшируви ўтказилди. Қолаверса, аорта, унинг шохлари ва мия ичидаги қон томирларининг ҳолатини баҳолаш учун мультиспирал компьютер томографияси (МСКТ) ангиографияси амалга оширилди. Барча беморларда БМНО даражаси қон зардоби ва кўз ёши суюқлигида махсус иммунфермент таҳлил усули орқали ўрганилди.

Тадқиқот иштирокчиларининг кўз органининг функционал ҳолатини баҳолаш мақсадида визиометрия, периметрия, биомикроскопия, офтальмоскопия, тонометрия, ОКТ ва ангиография ўтказилди. ОКТ ангиографиясида 100 000 марта/сония тезликда сканерланиш (6х6 мм, 304х304 пиксель) орқали "VRI", "Superficial", "Deep", "Outer retina" ва "Choriocapillaris" қатламлари ўрганилди.

Ультратовушли дуплекс текшируви барча иштирокчиларда MEDISON-X6 (Жанубий Корея) аппаратида ўтказилиб, кўз томирлари ва брахиоцефал артерияларнинг ҳолати, қон оқими тезлиги ва қон томир деворлари ҳолати баҳоланди. Мультиспирал компьютер томографияси ангиография билан бирга 64-қатламли Philips томографида контраст модда юбориш орқали катта висцерал ва мия ичидаги артерияларнинг тўлиқ ўрганилиши амалга оширилди.


2020 йилдан бошлаб уч йил давомида 80 нафар НАА ташхиси қўйилган бемор, 30 нафар атеросклероз ташхиси тасдиқланган бемор ва 25 нафар соғлом инсонда БМНО даражаси кўз ёши суюқлиги ва қон зардобидида иммунфермент таҳлили орқали ўрганилди. Таҳлил учун "Human Brain Derived Neurotrophic

Factor (BDNF) / Elisa Kit" тўплами (Innovation Biotech Corporation, Хитой) ишлатилди, ва бу ишлаб чиқарувчи протоколига мувофиқ амалга оширилди. Кўз ёши суюқлиги анестетиклар қўлламасдан пипетка ёрдамида тўпланиб, барча гигиена қоидаларига риоя қилинди ва кўз томчилари ишлатиш тақиқланган эди.

Тадқиқотда олинган маълумотлар Microsoft Office Excel 2017 дастурида статистик таҳлил қилинди. Параметрик ва нопараметрик статистик таҳлил усуллари қўлланилиб, ўртача арифметик қийматлар, стандарт оғишлар ва хатолар ҳисобланди. Статистик аҳамиятни баҳолаш учун Студентнинг t-тести, Пирсон корреляция коэффициентлари қўлланиб, клиник кўрсаткичлар ва диагностика натижалари ўртасидаги боғлиқликлар ўрганилди, бу эса касалликларнинг патогенетик механизмларини аниқлаш имконини берди.

Диссертациянинг учинчи боби «Кўз органининг клинко-функционал тадқиқоти натижаларини таҳлил қилиш»да кўриш ўткирлиги, кўриш майдони, сетчатканинг нурга сезувчанлиги, ОКТ кўрсаткичлари, макула ҳолати, перфузия зичлиги, нерв толалари қатламининг қалинлиги ҳамда кўз ва орбита томирларининг дуплекс сканерлаш натижалари тақдим этилган.

НАА билан касалланган барча беморларда Инами классификациясига (1979 й.) кўра тўр парда шикастланишининг тўрт босқичли жараёни аниқланди (1-расм):".



**1-расм. Сурункали бош мия қон айланиши етишмовчилигида
Такаясу ретинапатиясини учраш частотаси**

1. Биринчи босқич: тўр парда веналарининг кенгайиши - 46 (57,5%) нафар бемор (92 кўз).

2. Иккинчи босқич: тўр пардада микроаневризмалар ҳосил бўлиши - 14 (17,5%) нафар бемор (28 кўз).


3. Учинчи босқич: артериовеноз анастомозлар пайдо бўлиши - 11 (13,8%) нафар бемор (22 кўз).

4. Тўртинчи босқич: рангдор парда рубеози, катаракта, тўр парда ишемияси, тўр пардадаги неоваскуляризация, шишасимон танага қон қуйилиши - 9 (11,3%) нафар бемор (18 кўз).

Кўриш ўткирлигини секин-аста пасайиши асосий гуруҳда 56 та (35,0%), амаурисис фугах 36 та (22,5%) ва кўз соҳасини оғриши 20 та кўзда (12,5%) кузатилган бўлса, атеросклерозда ҳам ТК сингари юқоридаги санаб ўтилган клиник белгилар учради, аммо ТК дан фарқли ўлароқ, намоён бўлиши нисбатан камроқ кузатилди ва юқоридаги клиник белгиларга мос равишда 38 та (31,7%), 22 та (18,3%) ва 12 та кўзда (10,0%) да кузатилди.

Тўр парда ёруғлик сезувчанлиги кўпроқ атеросклероз билан оғриган беморлар орасида пастлиги аниқланди (14,4 dB). ТКлигида эса 19,5 dB ни ташкил этди (нормал кўрсаткич 25,6 dB сифатида белгилаб олинди) (2-расмга қаранг).


Тўр парданинг ўртача ёруғлик сезувчанлиги ўнг кўздан фарқли ўлароқ, чап кўзда пастроқ эди ва мос равишда ўртача 19,5 ва 21,6 dB ни ташкил этди.



2-расм. Ўртача ёруғлик сезувчанлиги (децибелларда / dB)

Изоҳ: * - назорат гуруҳи натижаларига қараганда статистик ишончли фарқланиш мавжуд (p<0,05)

Компютер периметриянинг “Deflection” ўртача кўрсаткичи эса ТК билан оғриган беморлар гуруҳида юқорилиги маълум бўлди (52,2 dB). Атеросклероз билан оғриган беморлар гуруҳида эса ўртача 20,2 дБни ташкил этди (нормал кўрсаткич 5,27 dB) (3-расмга қаранг).



3-расм. “Deflection” ўртача кўрсаткичи, dB

1-жадвалда Такаясу касаллиги (асосий гуруҳи), атеросклероз (таққослаш гуруҳи) ва амалий соғлом (назорат гуруҳи) бўлган беморларнинг сферопериметрик кўрсаткичларини кўрсатади. Сферопериметрик кўрсаткичлар ўнг (OD) ва чап (OS) кўзлар учун кўриш майдони йўналишлари бўйлаб ўлчанди ва ўртача (M) ва стандарт оғиш (δ) сифатида тақдим этилди.

1-жадвал

Текширилувчи гуруҳларда сферопериметрия кўрсаткичлари

Кўз		Гуруҳлар		
		Асосий гуруҳ (n=80)	Қиёсий гуруҳ (n=35)	Назорат гуруҳи (n=20)
OD (M±δ)	Назал	49,7±8*"	43,8±4,9*	61±6,1
	Юқори назал	48,5±9,2*"	43,8±4,9*	61±6,1
	Пастки назал	46,9±8,9*"	38,7±4,5*	55,8±4,9
	Пастки	49,7±8,1*	49±6,3*	58,8±3,9
	Юқори	44,8±5*"	49±6,3*	61±6,1
	Темпорал	78,3±13,3"	65,3±5,5*	76,2±11,2
	Юқори темпорал	64,4±4,4*"	59,1±5,1*	81,2±11,2
	Пастки темпорал	64,7±5*"	59,1±5,1*	83,5±4,9
OS (M±δ)	Назал	44,3±3,8*	45,3±5,5*	61±6,1
	Юқори назал	44,8±4,5*	45,3±5,5*	61±6,1
	Пастки назал	44,9±3*"	38,7±4,5*	55,8±4,9
	Пастки	44,9±4,6*"	49±6,3*	61±6,1
	Юқори	44,4±4,4*"	49±6,3*	61±6,1
	Темпорал	64,3±4,8*	65,3±5,5*	83,5±4,9
	Юқори темпорал	64,4±4,4*"	59,1±5,1*	83,5±4,9
	Пастки темпорал	65,0±4,3*"	59,1±5,1*	83,5±4,9

Изоҳ: * - Назорат гуруҳига нисбатан статистик ишончли фарқланиш мавжуд p<0,005; " - Қиёсий гуруҳига нисбатан статистик ишончли фарқланиш мавжуд p<0,005.

Олинган натижалар шуни кўрсатадики, атеросклероз ва НАА билан оғриган беморларнинг периметрия кўрсаткичлари амалий соғлом одамларнинг натижаларига қараганда назал ва юқори назал томондан анча паст. Атеросклероз билан оғриган беморларда энг паст периметрия кўрсаткичлари буруннинг пастки қисмида кузатилган, бу НАА билан оғриган беморларга қараганда ишонарли паст. Тақаясу касаллигида, атеросклероздан фарқли ўлароқ, юқори томонда кўриш майдонининг сезиларли даражада торайиши кузатилди. Бундан ташқари, темпорал, юқори темпорал ва пастки темпорал томонларда Тақаясу касаллиги билан оғриган беморларда кўриш майдонининг сезиларли торайиши кузатилди ($p < 0,001$). Олинган кўрсаткичлар назорат гуруҳига қараганда анча паст ва атеросклерозли беморларнинг Маълумотларига нисбатан статистик жиҳатдан ишончсизлиги аниқланди. Шундай қилиб, Тақаясу касаллиги билан оғриган беморларда юқори томонда, шунингдек, темпорал, юқори темпорал ва пастки темпорал томонларда кўриш майдонларининг сезиларли даражада торайиши кузатилади, бу ўз вақтида аниқлаш, даволаш ва касалликнинг асоратларининг олдини олиш учун периметрия текширувини зарурлигини кўрсатади.

ТК ва атеросклерозли беморларда оптик когерент томография (ОКТ) ва макула кўрсаткичларининг таҳлилини кўрсатади. Атеросклероз билан оғриган беморларда ўнг кўздаги ОКТнинг ўртача кўрсаткичлари қуйидагилар эди: фовеал қалинлиги - $258,41 \pm 22,84$ нм (нормал қийматлар билан - $251,57 \pm 7,86$ нм), ташқи темпорал секторда - $234,41 \pm 10,75$ нм (нормал қийматлар билан) - $260,07 \pm 6,62$ нм), ички темпорал секторда - $285,11 \pm 9,75$ нм (Н- $295,54 \pm 9,5$ нм), ташқи бурун секторида - $271,98 \pm 5,6$ нм (Н- $304,59 \pm$ нерал секторда), - 5 нм бурун секторида. $294,51 \pm 15,15$ нм (Н- $315,07 \pm 6,27$ нм), ташқи юқори секторда - $257,74 \pm 9,41$ нм (Н- $297,85 \pm 4,32$ нм), ички юқори секторда - $303,5 \pm 1,5$ нм 2 нм), ташқи пастки секторда - $237,96 \pm 10,73$ нм (Н- $250,79 \pm 4,54$ нм), ички пастки секторда - $299,93 \pm 6,99$ нм ($302,29 \pm 8$ нм).

Фовеанинг ўртача қалинлиги, макула ҳажми ва макула қалинлиги мос равишда $238,28 \pm 7,04$ нм (Н- $239 \pm 3,24$ нм), $8,64 \pm 1,47$ мм³ (Н- $8,74 \pm 1,5$ мм³), $257,01 \pm 3,9$ м³ (Н- $3,9$ мм³) эди. $\pm 14,75$ нм) ($p < 0,001$). Тақаясу касаллигида ўнг кўзнинг ўртача ОКТ кўрсаткичлари: фовеанинг қалинлиги - $254,41 \pm 25,16$ нм, ташқи темпорал секторда - $249,96 \pm 14,28$ нм, ички темпорал секторда - $278,76 \pm 17,76$ нм. ташқи бурун сектори - $292,94 \pm 32,94$ нм, ички бурун секторида - $289,55 \pm 20,85$ нм, ташқи юқори секторда - $273,41 \pm 12,53$ нм, ички юқори секторда - $305,91 \pm 7,7 \pm 2,4$ нм. $10,73$ нм, ички пастки секторда - $295,04 \pm 10,76$ нм.

Фовеанинг ўртача қалинлиги, макула ҳажми ва макула қалинлиги мос равишда $225,36 \pm 9,03$ нм, $9,79 \pm 2,36$ мм³, $271,03 \pm 20,69$ нм ($p < 0,001$) эди.

Атеросклероз билан оғриган беморларда чап кўздаги ўртача ОКТ кўрсаткичлари: фовеал қалинлиги - $260,45 \pm 13,1$ нм (нормал қийматлар билан - $259,48 \pm 9,12$ нм), ташқи темпорал секторда - $243,96 \pm 9,56$ нм (нормал қийматлар билан). Н- $263,63 \pm 3,87$ нм), ички вақтинчалик секторда - $298,81 \pm 4,89$ нм (Н- $300,61 \pm 16,12$ нм), ташқи бурун секторида - $279,33 \pm 6,92$ нм (Н- $298,92$ нм), бурун бўшлиғида Н- $298,9$ нм. сектори - $315,23 \pm 4,95$ нм (Н- $313,94$

$\pm 11,51$ нм), ташқи юқори секторда - $272,98 \pm 4,55$ нм (Н- $292,53 \pm 9,3$ нм), ички юқори секторда ($\pm 301,5$ нм - $301,5$ Нм) $\pm 25,24$ нм), ташқи пастки секторда - $246,26 \pm 7,13$ нм (Н- $278,56 \pm 14,41$ нм), ички пастки секторда - $295,04 \pm 10,76$ нм ($309,18 \pm 13,5$ нм). Ўртача фовеа қалинлиги, макула ҳажми ва макула қалинлиги мос равишда $231,96 \pm 10,84$ нм (Н- $246,69 \pm 16,62$ нм), $8,44 \pm 2,22$ мм³ (Н- $10,58 \pm 1,13$ мм³), $26,28 \pm 5,8$ нм ни ташкил этди. $13,08$ нм) ($p < 0,001$).

Такаясу касаллигида чап кўзнинг ўртача ОКТ кўрсаткичлари: фовеанинг қалинлиги - $254,25 \pm 23,9$ нм, ташқи темпорал секторда - $257,3 \pm 14,96$ нм, ички темпорал секторда - $280,26 \pm 14,71$ нм, ташқи бурун сектори - $287,21 \pm 29,29$ нм, ички бурун секторида - $289,5 \pm 16,41$ нм, ташқи юқори секторда - $279,89 \pm 14,58$ нм, ички юқори секторда - $302,28 \pm 9,08$ дан пастки секторда - $72,8 \pm 70$ м. $25,24$ нм, ички пастки секторда - $292,17 \pm 17,97$ нм. Фовеанинг ўртача қалинлиги, макула ҳажми ва макула қалинлиги мос равишда $223,97 \pm 11,1$ нм, $9,83 \pm 3,28$ мм³, $274,23 \pm 15,19$ нм ($p < 0,001$) эди.

Хулоса қилиб айтганда, тадқиқот натижалари назорат гуруҳи, атеросклероз ва Такаясу касаллиги билан оғриган беморлар ўртасида оптик когерент томография (ОКТ) параметрларида сезиларли фарқларни кўрсатади. Ушбу фарқлар ушбу касалликларга чалинган беморларда макула соҳасида ва тўр парда қалинлигида сезиларли ўзгаришларни кўрсатади.

Такаясу касаллиги, уйқу артериялари атеросклерози билан касалланган беморлар ва назорат гуруҳлари ўртасидаги перфузия зичлигини (PD) қиёсий таҳлил қилиш ушбу беморлар кўзларнинг қон айланиши ва қон томирлари ҳолатидаги тушуниш учун муҳим Маълумотларни беради. Ушбу таҳлилда беморлар ва назорат гуруҳи аъзолари кўрув аъзоларида марказий, ички ва умумий перфузия зичлигини кўриб чиқилади. Ушбу тадқиқотда перфузия зичлиги тўр парданинг учта зонасида ўлчанди: марказий, ички ва умумий. Маълумотлар ҳар бир гуруҳ учун ўнг (OD) ва чап (OS) кўз олмалари учун алоҳида натижалри кўрсатилган. Ҳар бир кўрсаткич учун ўртача қийматлар (М) ва стандарт оғишлар (м) тақдим этилган, бу Маълумотлар марказий тендентсияларини ва ўзгарувчанлигини баҳолаш имконини беради (2-жадвалга қаранг).

Қиёсий таҳлил натижалари тадқиқот гуруҳлари ўртасида перфузия зичлигида сезиларли фарқларни кўрсатади. Умуман олганда, Такаясу касаллиги ва атеросклерози бўлган беморларда назорат гуруҳи билан солиштирганда перфузия зичлиги пасайган. Бу ушбу беморларда тўр парда микроциркулятсиянинг бузилганлигини кўрсатади.

Назорат гуруҳи Такаясу касаллиги ва атеросклероз бўлган беморларга нисбатан иккала кўзда ҳам юқори марказий перфузион зичликни кўрсатди (OD: $18,8 \pm 1,2$ мкм, OS: $18,5 \pm 1,3$ мкм). Такаясу касаллиги (OD: $16,1 \pm 4,6$ мкм, OS: $12,3 \pm 3,8$ мкм) ва атеросклероз (OD: $15,2 \pm 5,2$ мкм, OS: $11,1 \pm 4,3$ мкм) бўлган беморларда марказий перфузия зичлиги сезиларли даражада пасайган. Бу ҳолат ушбу касалликлар билан боғлиқ бўлган тўр парданинг марказий зонасида дегенератив ўзгаришларни кўрсатиши мумкин.

2-жадвал


**Тадқиқот гуруҳларида перфузия зичлигини қиёсий таҳлил қилиш
натижалари (n-кўзлар сони)**

Кўрсаткич	Кўз	Асосий гуруҳи		Таққослаш гуруҳи		Назорат гуруҳи	
		М	m	М	m	М	m
Марказий PD	OD	16,1	4,6	15,2	5,2	18,8	1,2
	OS	12,3*	3,8	11,1*	4,3	18,5	1,3
Ички PD	OD	37,7	2,4	36,2	2,8	42,4	1,8
	OS	33,5*	3,5	31,1*^	3,2	41,2	1,7
Умумий PD	OD	35,2	2,5	32,1	2,2	39,8	1,8
	OS	30,6*	3,4	29,2*	3,6	38,9	2,2

Изоҳ: PD - perfusion density (перфузия зичлиги). * - назорат гуруҳининг кўрсаткичлари билан солиштирганда ишонарли даражада $p < 0,05$; ^ - ўнг кўзнинг кўрсаткичларига нисбатан ишончли $p < 0,05$.

Худди шундай ҳолатлар ички перфузия зичлигида ҳам кузатилади. Назорат гуруҳида ички перфузия кўрсаткичлари (OD: $37,7 \pm 2,4$ мкм, OS: $33,5 \pm 3,5$ мкм) Таққослаш касаллиги гуруҳлари (OD: $42,4 \pm 1,8$ мкм, OS: $41,2 \pm 1,7$ мкм) ва атеросклероз (OD: $36,2 \pm 2,8$ мкм, OS: $31,1 \pm 3,2$ мкм) билан солиштирганда сезиларли даражада юқорилиги аниқланди. Бу соғлом ОДамларда кўпроқ тўр парданинг ички қатламларни сақланиб қолганини кўрсатиши мумкин. Умумий перфузия зичлигининг Таққослаш касаллиги ва атеросклероз гуруҳларида (Таққослаш OD: $35,2 \pm 2,5$ мкм, OS: $30,6 \pm 3,4$ мкм; Атеросклероз OD: $32,1 \pm 2,2$ мкм, OS: $29,2 \pm 3,6$ мкм) назорат гуруҳига (OD: $39,8 \pm 1,8$ мкм, OS: $38,9 \pm 2,2$ мкм) нисбатан пасайиши кузатилди. Ушбу маълумотлар ушбу касалликларга чалинган беморларда тўр парда умумий перфузиянинг пасайишини таъкидлайди. Хулоса қилиб айтганда, тадқиқот натижалари Таққослаш касаллиги ва атеросклероз бўлган беморларда назорат гуруҳи билан солиштирганда тўр парда перфузия зичлиги сезиларли даражада камайганлигини аниқ кўрсатмоқда.

ТК ва атеросклерозда асоратларнинг тарқалишини таҳлил қилиш шуни кўрсатдики, ТКда энг кўп учрайдиган асоратлар тўр парда ишемия (80%), оптик нейропатия (22,5%) ва катаракта (18,8%) белгиларидир. Атеросклерозда эса энг кўп учрайдиган асоратлар тўр парда ишемия (66,7%), гипертоник ангиопатия 48,3% ва эпиретинал мембрана (40,8%) эди. ТК билан оғриган беморларда мос равишда 5,6%, 0,6% ва 2,5% ҳолларда неоваскуляр глаукома, экссудатив тўр парда кўчиши ва тўр парда васкулит каби асоратлар аниқланган (4-расмга қаранг).



4-расм. Тадқиқот гуруҳларида асоратларнинг учраш частотаси, %

3-жадвалда марказий тўр парда артериясининг дуплекс сканерлаш кўрсаткичлари кўрсатилган бўлиб, таҳлилга кўра атеросклероз ва Такаясу касаллиги билан оғриган беморларда назорат гуруҳига нисбатан систолик қон оқими тезлигининг мос равишда $V_{max}=8,7\pm 1,2/8,9\pm 1,4$ ва $V_{max}=7,5\pm 0,4/9,3\pm 2,2$ см/с. га сезиларли даражада камайганлигини кўрсатди ($p<0,05$). Бу ҳолат беморларда тўр парда гемодинамикасининг ёмонлашганлигини кўрсатади. Ҳар иккала гуруҳда ҳам камайишининг статистик ишончли фарқланишга эга бўлиши, артерияларнинг торайиши ва уларнинг қаршилик кучининг ошишини кўрсатади. Бу эса ўз навбатида нормал қон оқимини чекланишига олиб келади.

Диастолик қон оқими тезлиги кўрсаткичларида ҳам систолик тезлик каби назорат гуруҳига нисбатан ўртача 3,75 мартага пастроқ натижаларни қайд этилиши ($p<0,05$), марказий тўр парда артерияси қон оқимида жиддий нуқсонлар борлигини англатади ва бу каби вазият томирлар қаршилигининг сезиларли даражада ошиши ва артериал эластикликнинг пасайиши туфайли юзага келиши мумкинлигини кўрсатади.

